



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Бугунги кунда умумий бойлигимиз бўлган қадриятлар – биргаликда тараққиёт сари интилиш, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат, кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибасини ўзида мужассам этган "Шанхай руҳи"ни мустақамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.
Ш.МИРЗИЁЕВ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 12-noyabr, payshanba, 130 (23.410)-son

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Владимир Владимирович! Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга ушбу учрашувимизни ташкил этгани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Россиянинг ШХТдаги раислиги пандемия туфайли юзага келган барча қийинчиликларга қарамадан ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун кўриб чиқиш учун тайёрланган ҳужжатлар, шубҳасиз, Ташкилотимизнинг роли ва халқаро нуфузини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Ҳурматли Садир Нурхожоевич Жапаровни саммитимизда кўриб турганимдан мамнунман.

Ўзбекистон қардош Қирғизистоннинг энг яқин қўшниси ва стратегик шериги сифатида мамлакат халқининг тинч тараққиёт ва фаровонлик сари интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Биз, шунингдек, Тоғли Қорабоғ мижозлари ҳудудидидаги ўт очиш ва барча ҳарбий ҳаракатларни бутунлай тўхтатиш тўғрисида Россия Федерациясининг фаол кўмағида эришилган келишувларни олқишлаймиз. Ушбу ҳудудда тинч ҳаёт ва барқарорлик тез фурсатда тикланишига умид билдираман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги кунда ШХТ ўз тараққиётининг принципал жиҳатдан янги босқичда турибди.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг кескин қисқариши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиши, ишсизликнинг ортишига олиб келган пандемия ривожланишимиз суръатларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бир қаторда, дунёнинг айрим минтақаларида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашапти, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар кучаймоқда.

Ушбу глобал хатар ва таҳдидларни яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш борасида шаклландган аённаларимизни асраш ва бойитиш йўли билангина энгиз ўтиш мумкин.

Бугунги кунда умумий бойлигимиз бўлган қадриятлар – биргаликда тараққиёт сари интилиш, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат, кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибасини ўзида мужассам этган "Шанхай руҳи"ни мустақамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Ҳар биримиз кучли бўлган тақдирдагина, ШХТ ҳам кучли бўлади.

Бунинг учун бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, кун тартибимиздаги асосий масалаларга биргаликда муроसा излашимиз, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Бугун айнан шундай ёндашув Евроосиё маконидида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг бош шартига айланмоқда. Бу мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва орзу-интилишларига мосдир.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

ШХТнинг долзарб вазифалари юзасидан нуқтаи назаримизга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. Иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Бизнинг асосий мақсадимиз – савдо-иқтисодий алоқалар ва саноат кооперациясини жонлантиришдан иборат.

Ишонаманки, бунга эришишнинг энг самарали усули ўзаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, уларни уйғунлаштириш ва рақамлаштириш, мамлакатларимиз ўртасидаги электрон тижоратни ривожлантириш, ўзаро инвестицияларни рағбатлантиришни назарда тутадиган инқирозга қарши қўшма дастурларни амалга оширишдан иборатдир.

Пандемия шароитида савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларимизни ривожлантиришга янги, шу жумладан, "ностандарт" ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқишни тақдир этаман.

Ушбу дастурлар Савдо-иқтисодий ҳамкор-

лик дастурини амалга ошириш бўйича ШХТ режасининг асоси бўлиши лозим.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.

Шунингдек, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасида Саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурини қабул қилиш тарафдоримиз.

Иккинчидан. Пандемия рақамлаштириш жараёнини тезлаштирди. Ахборот технологиялари иқтисодий ўсиш "драйвери"га айланиб бормоқда.

Ўзаро келишилган ўқув дастурлари асосида аҳолини ўқитиш, соҳа мутахассисларини тайёрлашга қаратилган ШХТнинг рақамли савдо-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишни тақдир этаман.

Ушбу саммитнинг Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликка доир баёноти бугун ўз вақтида қабул қилинмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Бугунги шароитда биргаликдаги савдо-иқтисодий аҳолининг эҳтиёжман қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартиришга йўналтириш муҳимдир.

Бу борадаги ҳамкорлигимизни мувофиқлаштириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг йиғилишларини ўтказиш механизмини яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

ШХТга аъзо давлатларнинг мазкур йўналишдаги ҳамкорлиги дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистонда халқаро форум ўтказишни тақдир этаман.

Ушбу ташаббусни рўйбга чиқаришда Хитой Халқ Республикасининг муваффақиятли тажрибаси фойдали бўлишига ишонаман.

Тўртинчидан. Мамлакатларимизда аҳоли соғлиғига хавф туғдираётган янги хатар ва таҳдидларга биргаликда қарши курашиш кўламини кенгайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун инсоният илгари маълум бўлмаган инфекциялар билан дуч келмоқда. Уларга қарши курашиш кундалик турмушимизнинг бир қисмига айланмоқда.

Шу муносабат билан бугунги саммитда Эпидемия таҳдидларига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режаси қабул қилинишини олқишлаймиз.

Унинг амалга оширилишини таъминлаш, хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиши тўғрисидаги ахборот билан самарали алмашинувни йўлга қўйиш муҳимдир.

Мамлакатларимизнинг соҳага иختисослашган шифохоналари ўртасида натижадор ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Эпидемияга олиб келувчи касалликларга қарши кураш бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратишни тақдир этамиз.

Ушбу тармоқ доирасида юқумли касалликларни диагностика, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тажриба алмашиш, врачлар қўшма гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни тайёрлашга қаратилган ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, барча шерикларимизга, аввало Россия ва Хитойга коронавирус инфекциясига қарши курашда кўрсатилган катта ёрдам ва кўмак учун миннатдорлик билдираман.

Пандемия шароитида соғлиқни сақлашга янги масофавий технологияларни жорий этиш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Телемедицина соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Концепцияда врачларни кенг турдаги касалликларни даволашда телемедицина услубларини эгаллаш учун ўқитиш ҳамда мазкур соҳадаги илғор тажриба алмашишни назарда тутиш муҳим.

Бешинчидан. Бугунги шароитда терроризм, экстремизм ва нарқобизнес таҳдидлари нафақат сусаймаяпти, балки кучайиб, янги шакллар касб этмоқда.

Ёшларни ёллаш ва радикаллаштириш,



террорчиларни молиялаштиришда ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқларнинг роли ортиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини Ташкилотимиз маконидида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш зарурати ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан, ваколатли идораларнинг амалий мулоқотларини бир неча баробар кўпайтириш, ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жорий вазиятни мунтазам муҳокама қилиш, шу жумладан, ахборот маконидидаги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги қўшма чора-тадбирларни келишган ҳолда амалга ошириш муҳим.

ШХТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга қўшадиган умумий ҳиссамиз пировард натижада шунга боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтилган, барча йўналишларда кузатувчи мамлакатлар, мулоқот бўйича шериклар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштиришни тақдир этамиз.

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Бугун Афғонистонда узок қутилган тинчликка эришиш бўйича тарихий имкониятни қўлдан бой бермаслик ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ушбу мамлакатдаги хавфсизлик ва тинчлик масаласига бутун ШХТ минтақасининг барқарорлиги ва иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиши лозим.

Халқаро ҳамжамият, жумладан, ШХТ давлатларининг савдо-иқтисодий тараққиётини Афғонистонда низони тинч йўл билан бартараф этишда умидбахш истиқболлар кўринмоқда.

Тинчликка эришиш, Афғонистон халқига иқтисодий ёрдам кўрсатиш йўлидаги ижобий интилишларни қўллаб-қувватлаш учун савдо-иқтисодий бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, Афғонистоннинг минтақавий савдо-иқтисодий жараёнларга жалб этилиши ҳам ушбу мамлакатнинг тинч ва барқарор тараққиётига хизмат қилади.

Шу муносабат билан, "ШХТ – Афғонистон" мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тарафдоримиз.

Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўприк сифатидаги транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббуслари ШХТнинг барча мамлакатлари учун янги истиқболлар очади.

Шу ва бошқа масалаларни 2021 йил апрель ойда Тошкентда ўтказиладиган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" халқаро конференциясида муҳокама қилишни тақдир этамиз.

Шу билан бир қаторда, келгуси йили, Ташкилотимизнинг 20 йиллиги арафасида, "ШХТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли" халқаро конференциясини ўтказиш тақдирини илгари сурмоқчиман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Тожикистон Президенти Эмомали Шарипович Раҳмонни ШХТдаги раисликни қабул қилгани билан табриклашга ҳамда ушбу шароити ва масъулиятли вазифани бажаришда катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Эътиборингиз учун раҳмат.

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎН ЕТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

- Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ ўн еттинчи сессияси **2020 йил 18 ноябрь куни соат 9:00 да** чақирилсин.
- Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:
 - Паст Дарғом тумани ҳокими Ш.Худойбердиевнинг Паст Дарғом туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилга мўлжалланган дастури ижроси тўғрисидаги ҳисоботи;
 - «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Ражабовнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари тақдироти ҳамда вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳолати ва бу борадаги

- вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи;
- вилоятда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли тўғрисида;
 - «Фахрий мурабий» орденига номзодларни танлаб олиш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш бўйича Самарқанд вилояти танлов комиссияси томонидан тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиш тўғрисида;
 - инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган ҳолда, ажратиб берилган ер участкалари бўйича инвестиция лойиҳаларининг якуний ишга тушиш муддатларини белгилаш, шунингдек, инвестиция мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган лойиҳалар таҳлили;
 - бошқа масалалар.
- Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими

Э.ТУРДИМОВ

2020 йил 11 ноябрь
№78-Қ



Сайёр қабулга сеҳргарлар келмаган

ҳамма муаммони шу ернинг ўзида ҳал этиш имконсиз

10-13 ноябрь кунлари вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирокида оммавий сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

10 ноябрь куни Самарқанд туманида ташкил этилган қабулда мазкур туман ҳамда Самарқанд шаҳри, Нуробод ва Паст Дарғом туманлари аҳолиси қатнашди.

10 ноябрь куни Самарқанд туманида ташкил этилган қабулда мазкур туман ҳамда Самарқанд шаҳри, Нуробод ва Паст Дарғом туманлари аҳолиси қатнашди.

– Аҳоли билан мулоқот

Президенти маслаҳатчиси-

нинг биринчи ўринбосари А.Усмонов. – Самарқанд вилоятига ҳам пойтахтимиздан республика вазирлик ва идораларининг 50 нафарга яқин мутасаддилари келган. Уч кун давомида жойларга чиққан ҳолда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини эшитиб, масалаларга ечим топамиз.

3-саҳифа >>>

11 ноябрь "Касаба уюшмалари куни" бўлади

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг навбатдаги VIII курултой видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди.

Вилоятимиздаги ташкилот ва муассасалардан сайланган делегатлар видеомулоқоти Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида кузатиб борди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳам иштирок этди.

Дастлаб, Президент Ш.Мирзиёевнинг курултой иштирокчиларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

Табриқда 11 ноябрни "Касаба уюшмалари куни" деб белгилаш тақдир билдирилди. Шунингдек, кейинги йилларда жамият ҳаётида касаба уюшмаси тизимининг ўрни ва роли ошгани қайд этилди. Курултойдан кейин касаба уюшмаси янги иш бошлаши таъкидланди.

Курултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг янги таркибдаги кенгаши сайланди. Шу пайтгача федерацияга раҳбарлик қилган Қудратулло Рафиқов навбатдаги муддатга раисликка тасдиқланди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

Депутат анкетаси

1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киришилганми?
2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тадбир ўтказдингиз?
3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

Муаммога ўрин қолдирмаймиз

1. Жорий йилда сайлов округим бўйича ўндан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланган. Хусусан, Тинчлик маҳалласидаги 8-мактабга таълим ташкилоти таъмирланмоқда. Реконструкция ишларининг умумий қиймати 3 миллиард 780 миллион сўмни ташкил қилади.



Ипак йўли маҳалласида жойлашган 30-умумий ўрта таълим мактаби биноси 1 миллиард 458,2 миллион сўм маблағ асосида мукамал таъмирланди. Дўстлик маҳалласида жойлашган 43-умумий ўрта таълим мактабда 2 миллиард 734,2 миллион сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

2. Шу вақтга қадар сайлов округи ҳудудида яшовчи фуқаролар билан 71 мартаба турли мавзуларда учрашувлар, тадбирлар ташкил этилди. Пандемия даврида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам етказиб беришга ўз ҳиссамни қўшдим.

Яқинда сайлов округига қарашли Халқобод ва Янгиобод маҳаллаларида аҳоли билан мулоқот ўтказдим. Аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларга депутатлик ваколатимдан келиб чиқиб, оғзаки, депутатлик сўровлари асосида ижобий ечим топишга ҳаракат қилдим. Маҳалладаги 40 га яқин хонадонга борадиган ичимлик сув тармоғидаги нозоликлар туман сув таъминоти ташкилоти масъуллари томонидан тузатилади.

3. Кейинги депутатлик сўровим Нарпай туман газ филиали раҳбариятига чиқарилган. Унда Гулистон маҳалласидаги 150 хонадон табиий газдан фойдаланиши, бугунги кунда тармоқда юзага келаётган узиллишлар аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётганлиги билдирилиб, табиий газ таъминоти яхшилаш чораларини кўриш сўралган.

Бу бўйича масъуллар ўрганиш ўтказиб, Мўқимий маҳалласидан ўтган газ қувурига ноқонуний уланган тадбиркор ва нотурар бинолар тармоқдан узилиб, зарур ҳужжатлар расмийлаштирилди. Бугунги кунда аҳолига табиий газ бир маромда, узлуksиз етказиб берилаётганлиги маълум қилинган жавоб хати тақдим этилди.

Содиқ ҲАҚБЕРДИЕВ,
34-Оқтош сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.

Муҳими – соғлом ва тўғри овқатланиш

“Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори (2020 йил 10 ноябрь) қабул қилинди.

Унга кўра,
- **2021 йил 1 июндан бошлаб:** 6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукунни билан;
6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар “А” витамини билан;
2-10 ёшдаги болалар гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминланади;
- **2022 йил 1 июндан бошлаб:** хомилдор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болалар йод препаратлари билан;

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминланади;
- **2021 йил 1 апрелдан бошлаб** биринчи нав бугдой уни билан бир қаторда олий нав бугдой уни микронутриентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга рухсат этилади.
- **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:** мактабгача таълим ташкилотларида “Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари” машғулоти ўтказилади; республика умумий ўрта таълим муассасаларида 1-4-синфлар учун “Тарбия” ва

“Атрофимиздаги олам” фанлари, юқори синфлар учун “Биология” фани таркибида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича “Саломатлик сабоқлари” мавзулари киритилади;
академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларининг “Жисмоний тарбия” фани доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтказилади;
тиббиёт техникумларида валеолог, диетолог, нутрициолог мутахассисликларни тайёрлаш, нутрициолог ва диетолог магистратура (интернатура, клиник ординатура) мутахассисликларини 1 йиллик ўқув дастурлари асосида тайёрлаш йўлга қўйилади;

тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалаврият, клиник ординатура, магистратура, тиббиёт коллежлари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг барча йўналишларида тўғри овқатланиш мавзулари алоҳида циклда ўқитилади;
Болаларнинг 5 ёшгача бўлган даврда оптимал ривожланиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида **2022 йил 1 январга қадар** патронажнинг универсал-прогрессив модели босқичма-босқич жорий этилади.
Бунда ҳомилдор ва 5 ёшгача болалари мавжуд оилалар учун амалдаги штатлар доирасида алоҳида патронаж ҳамшираси бириктирилади.

Матбуот анжумани

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида “Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси” фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Суҳроб Маҳмараимов Президентимизнинг жорий йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида вилоятимизда олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

ТАҲРИРИЯТЛАР умумбелгиланган тартибда ХУСУСИЙЛАШТИРИЛМАЙДИ

- Фармон билан Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида корхоналарни соғломлаштириш ҳамда хусусийлаштириш клиникаси ташкил этилди, - дейди С.Маҳмараимов. - “Бир дарча” тамойили асосида ишлайдиган клиника фаолиятини мувофиқлаштириш учун ишчи гуруҳ ташкил этилди.
Ишчи гуруҳ аҳоли ва тадбиркорларга корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларида тадбиркорларга бегараз амалий ёрдам кўрсатади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиби ва онлайн савдоларда иштирок этиш ҳақида маълумотлар тақдим этиди.
Шунингдек, фармон билан давлат активларини сотиб олаётган харидорларга маблағни 3 йилгача бўлиб тўлаш имтиёзи, корхоналарнинг акцияларини сотиб олган харидорлар тўлаган маблағига яраша ўша корхона бошқаруши ҳамда сотиб олган акцияларига ҳисобланган дивидендлар олиш ҳуқуқи

берилди. Соф активи 100 миллион сўмдан ошмайдиган корхоналар баҳоланмасдан, соф активлари қийматида савдога чиқарилади. Вилоятимиздаги таҳририятларни хусусий секторга ўтказишда индивидуал ёндашувга амал қилинади. Нашриёт ва таҳририятлар муҳим йўналиш бўлганлиги туфайли умумбелгиланган тартибда хусусийлаштирилмайди. Бу корхоналар давлат унитар корхонаси бўлганлиги учун амалдаги қонунчиликка кўра уларни дастлаб хўжалик жамиятига айлантириш лозим. Вилоятимиздаги 10 та таҳририят давлат унитар корхонасидан масъулияти чекланган жамият шаклига ўзгартирилиб, тўлиқликча давлат улуши сақлаб қолинади. Кейинчалик улушни хусусийлаштириш масаласи индивидуал ёндашув асосида босқичма-босқич ҳал этилади. Меҳнат жамоаси беҳабар ҳолда хусусийлаштирилмайдиган, яъни индивидуал ёндашув асосида хусусийлаштириладиган корхоналар вилоятимизда 25 тани ташкил этмоқда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИВ.

Паст Дарғом тумани “САРИҚ” дан “ЯШИЛ” тоифадаги ҳудудга қандай ўтади?

Жорий йилда илк марта ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизими асосида туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилиб, “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилди.

Рейтинг натижаларига кўра, Паст Дарғом туманидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати “ўрта” деб топилган. Яъни, туман 2019 йил якунлари бўйича 15,62 балл билан баҳоламини, вилоятда 8-ўринни, республикада 54-ўринни эгаллаган.
Хусусан, ўтган йилда туманнинг экспорт ҳажми (13,9 миллион доллар) аҳоли жон бошига 40 доллардан тўғри келган. Мазкур йўналишда вилоят миқёсида 11-ўринни эгаллаган. Шунингдек, кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектларида маҳсулот (хизмат)лар ҳажми 0,20 балл (максимал 1,25 балл) билан баҳоланган.

Айрим кўрсаткичлар ўтган йилларга нисбатан бирмунча яхшиланганига қарамай, Паст Дарғом тумани вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан орқада эканлиги ойдинлашмоқда. Мисол учун, тадбиркорлик субъектларининг яшовчанлиги ҳисобланганда 2143 тадбиркорлик субъектининг 1001 таси ёки 47 фоизи 3 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият юритиб келаётганлиги аниқланган. Бу кўрсаткич билан туман вилоятда 5-ўринни эгаллаган.

- Албатта, ўтган йилги кўрсаткичларда ҳам ижобий натижалар бор, - дейди туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Умид Назаров. - Жумладан, 2019 йилда мол-мулк ва ер солиқлари тушумининг ўзгариши 2016 йилнинг тушум режасига нисбатан 239 фоизга ўсиб, вилоятда 2-ўринда қайд этилган. Яъни, ўтган йилда ҳисобланган 261,8 миллиард сўмлик солиқ тўловларининг 259,0 миллиард сўми ёки 99 фоизи ундирилган.

Жорий йилда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун бошқа кўрсаткичларни яхшилаш бўйича зарур чоралар кўрилмади. Мисол учун, 22 та асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни йил якуни билан барча манбалар

ҳисобидан амалга ошириш, статистикада акс эттирилишини таъминлаш, банкдан ташқари пул айланмаларини камайтириш чораларини кўриш учун мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ҳар бир йўналишга мутасадди раҳбарлар бириктирилди.
Шу билан бирга туманда жорий йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда янада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020-2021 йилларга мўлжалланган ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ, қиймати 750,4 миллиард сўмлик 42 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 1028 та иш ўринлари яратилади.

Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида туман маҳаллий бюджетига январь-сентябрь ойлари учун 53,7 миллиард сўм прогноз тушум режаси белгиланган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 60,8 миллиард сўмга ёки 113 фоизга бажарилган.

Бундан ташқари, бандликни таъминлаш орқали аҳолининг доимий даромад манбаини шакллантириш орқали январь-сентябрь ойларида 5 минг 495 нафар норасмий фаолият кўрсатаётган фуқароларни легаллаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда норасмий фаолият юритиб келаётган 5 минг 596 нафар фуқаро расмийлаштирилди. Яъни, белгиланган режа 101,8 фоизга бажарилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш орқали 529 та янги корхона ташкил этиш режалаштирилган эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда 536 та янги корхона ташкил этилди. Йил бошидан буён 640 та яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 250 та ўрнига 260 та ер майдони бўйича лойиҳалар тайёрланди, “YER-ELEKTRON” тизими орқали сотилди. Аҳолининг бозорда талаб бўлган касб-хунар



кўникмаларини эгаллашига кўмаклашиш бўйича режадаги 208 ўрнига 217 нафар фуқаро касбга ўқитилди.

Меҳнат бозорига рақобатбардор бўлмаган аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида 990 нафар фуқарони ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 3896 нафар ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар ушбу ишларга жалб қилинди. Шунингдек, 67 фаолият (ишлар, хизматлар) турлари бўйича 4967 нафар фуқаро ўзини-ўзи банд қилишига эришилди.

Камбағал оилалар сонини қисқартириш бўйича ишчи гуруҳи ва сектор аъзолари билан биргаликда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида уйма-уй юриб, муҳтож ва эҳтиёжманд оилалар ўрганилганда, 4596 та камбағал оила аниқланган. Бугунги кунда қайта ўтказилган мониторинг натижасига кўра, 771 оила доимий даромад манбаига эга, моддий жиҳатдан барқарор эканлиги, томоққасидан самарали фойдаланаётганлиги аниқланиб, камбағаллик рўйхатидан чиқарилган.

Туманда “ўрта” даражадан яхши даражага ўтиши учун зарур ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида туман кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга нисбатан яхшиланиб бормоқда.

Мисол учун, маҳаллий бюджетнинг даромадларини орттириб бажариш бўйича Паст Дарғом тумани вилоятда энг яхши кўрсаткичга эга. Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, туман бюджети қарийб 7 миллиард сўмга орттириб бажарилиши кўзда тутилмоқда. Йил якунига қадар бу маблағ “яшил” ҳудуд – Самарқанд шаҳридагидан 3 миллиард сўмдан кўпроққа, яъни 10 миллиард 779 миллион сўмга бажарилиши кутиляпти. Демак, катта ўзгаришлар, ижобий янгиликлар қилиш учун



Йигитлар муддатли ҳарбий хизматга сараланмоқда

Мудофаа вазирининг 2019 йил 15 апрелдаги буйруғи, вилоят ҳокимининг жорий йил 10 августдаги қарорига асосан туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларида чақирилувчилар синовдан ўтмоқда.

Бу жараён 2021 йил 10 февралга қадар давом этади. - “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”-ги Қонунга асосан муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Куролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақирилади, - дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Ф.Алимов. - Чақирилувчилар танлови, яъни ҳужжатларини ўрганиш, умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва яқка тартибда суҳбат танлов кенгаши аъзолари томонидан кенг жамоатчилик вакиллари

иштирокида ўтказилмоқда. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда чақирилувчилар куч, тезлик ва чидамликни аниқловчи нормативлар топиради. Бу борада ўтказилган синов натижалари асосида чақирилувчининг ҳарбий-техника мутахассислиги бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки муддатли ҳарбий хизматни ўташи юзасидан тавсия берилди ёки тавсия этилмади. Яқка тартибдаги суҳбат давомида чақирилувчининг маҳалла ва жамиятда тутган ўрни, оилавий аҳволи, обрў-эътибори, юриш-туриши, қизиқишлари, юртимиз тарихи, буюк саркардалар, аجدодларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид билимлари аниқланади.

Амалдаги қонунга кўра, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлири ўқувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларида кундузги таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларнинг чақирилиш муддати ўқишни тамомлағунига қадар кечиктирилади.

Бошқа чақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш туман, шаҳар чақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароити ва саломатлигига кўра амалга оширилади.

Жорий йилда ҳам тиббий комиссияда фақат соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан ажратилган врачлар эмас, ҳарбий госпитал врачлари чақирилувчиларнинг соғлиқ даражасини аниқлаб беради.

Жараён

шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида чақирилувчиларнинг ота-оналарига ўтказилаётган танлов тадбирларини тўғридан-тўғри кузатиб бориш имконияти яратилди.

Янги тартибга кўра, муддатли ҳарбий хизматга чақириш мавсуми бошланган, муддатли ҳарбий хизматга саралаш ва танлашни амалга ошириш учун туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларида бутлаш комиссияси, вилоят миқёсида раҳбарият кенгаши тузилади. Бутлаш ва раҳбарият кенгаши аъзолигига Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшиқлари, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимлари жалб этилди. Улар саралаш ва танлов ишларида тўлиқ қатнашди.

Жорий йилда ҳам тиббий комиссияда фақат соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан ажратилган врачлар эмас, ҳарбий госпитал врачлари чақирилувчиларнинг соғлиқ даражасини аниқлаб беради.

Ё.ГАДОВЕВ.

ЖАМИЯТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).
Лекин шуни ҳам унутмайликки, бу ерга келганлар сеҳргар эмас, яъни ҳамма муаммо шу ернинг ўзид...

чекланган жамияти раҳбари Аслан Қаюмов бугуннинг ўзид...

нафар юртдошимизга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини топширди.

Сайёр қабулда Паст Дарғом тумани Чандиробод маҳалласидан бир гуруҳ фуқаролар Автомобиль йўллари кўмитаси раиси ўринбосари О.Жуманиёзовга қишлоқ ички йўллари таъмирлаш масаласида мурожаат қилди.

Кеча Каттакўрғон шаҳрида ўтказилган қабулда шаҳар аҳолиси билан бирга Каттакўрғон, Нарпай ва Пахтачи туманларидан келган 300 нафарга яқин фуқаронинг мурожаатлари эшитилди.

Сайёр қабул доирасида халқ таълими вазири ўринбосари И.Жўраев жисмоний имконияти чекланганлиги боис, ўйда таълим олаётган Каттакўрғон туманидаги 56-мактабнинг 10-синф ўқувчиси М.Туроповнинг ҳолидан хабар олиб, унга ноутбук ва китоблар совға қилди.

Шунингдек, кеча Пайариқда Иштихон, Қўшработ, Оқдарё туманлари аҳолиси учун оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Ғ.ҲАСАНОВ.

Сайёр қабулга сеҳргарлар келмаган

ҳамма муаммони шу ернинг ўзид ҳал этиш имконсиз

жавоб берилади. Шундан сўнг А.Усмонов ва вилоят ҳокими Э.Турдимов, пойтахтдан келган барча масъул раҳбарлар фуқароларни қабул қилиб, уларнинг мурожаатларини эшитди.

– Нуробод туманининг Сарикўл маҳалласидан келдик, – дейди Собирхон Саматов. – Қишлоғимизга табиий газ бормайди. Суюлтирилган газ ва кўмирдан фойдаланамиз. Лекин бизнинг туманимиз, қишлоғимизга етиб боргунча кўмир нархи анча ошиб кетди. Шунинг учун туманимизда кўмир омбори ташкил этишни сўраб келдик. “Кўмиртаъминот” масъулияти

да Самарқандга аҳоли, корхона ва ташкилотлар, муассасалар учун 75 вагон кўмир келтирилган.

– Бугун бизга ўндан ортиқ мурожаат бўлди ва уларнинг асосий қисми шу ернинг ўзид мутасаддилар иштирокида ҳал этилди, – дейди Қурилиш вазири ўринбосари Ш.Ҳошимов. – Тўрта масалани жойида бориб ўрганишга қарор қилдик ва шу ҳафта якунига қадар муаммолар бўйича ҳам якуний хулоса берилади.

Қабул чоғида Самарқанд вилояти ИИБ миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси шу пайтгача фуқаролиги бўлмаган 20

Тарғиботчилар - Журиятда

Вилоятимиздаги маҳаллаларда «Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш» ғояси остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Жомбой туманининг Журият маҳалласида ўтказилган тадбирга ушбу маҳаллада “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ҳамда “аёллар дафтари”га киририлган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзолари, ишсиз хотин-қизлар, фаоллар таклиф этилди.

Туман ҳокими Қаюм Собиров мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини Жомбойдаги ишлар мисолида гапириб берди. Туманда тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорида сотилаётгани қайд этилди.

Ёш истеъдод эгалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар тадбирга янада фойз киритди. Тадбир доирасида қизиқарли викториналар ўтказилиб, голибларга совғалар улашилди.

Чарос ЭШОНҚУЛОВА.

Шифокор хотирланди

Л.М.Исаев номидаги тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти клиникасида тиббиёт фанлари номзоди Ҳамиджон Расулов хотира-сига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда шифокорнинг аҳоли саломатлигини асраш, беморларга шароит яратиш мақсадида амалга оширган бунёдкорлик ишлари, вилоят соғлиқни сақлаш тизимини юксалтириш йўлидаги хизматлари алоҳида эътироф этилди. – Ўз касбининг фидойиси, соғлиқни сақлаш аълочилиси Ҳамиджон Расулов тиббиётимиз равнақи йўлида меҳнат қилган кишилардан эди, – дейди Самарқанд давлат тиббиёт институти доценти Яхшиноҳ Аллаёров. – У киши Самарқанд шаҳридаги 2-сонли болалар юқумли касалликлар шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлади ва кўплаб болаларни юқумли касалликлардан даволаб, бутун умрини аҳоли саломатлигига бағишлади. Бундан ташқари, 1978 йилда Исаев номидаги тиббий паразитология



илмий-тадқиқот институти клиникасини ташкил қилиб, муассаса салоҳиятини ошириш, паразит касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни замонавий усуллар билан даволаш бўйича кўплаб ишларни амалга оширди. Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

«SAMARQAND MULK MARKAZI»

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 85-“А” уйда сақланаётган куйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) А/м «LACETTI». 2009 й. и/ч., д/б. 30 265 КВА, т/с. Б.б. – 50 698 146 сўм.

2) А/м «NEXIA». 2013 й. и/ч., д/б. 30 165 НВА, т/с. Б.б. – 41 461 120 сўм.

3) А/м «NEXIA DONC». 2013 й. и/ч., д/б. 30 169 НВА, т/с. Б.б. – 42 771 552 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 14 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар билиш иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 9 декабрь куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 21 ва 28 декабрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхта-тилади. Савдо голибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Samarqand mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ “Ипотека банк” Кўксарой филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кошгарий кўчаси, 58-уй, 2-кават. Телефон: 66-233-80-13. Хизматлар лицензияланган.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 6 февралда 681871 реестр рақами билан рўйхатга олинган «ALIXAN ALIBABA» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «ALIXAN ALIBABA» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кимёгарлар кўрғони, 29-даха 4-«Б» уй. Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306101620.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2017 йил 2 октябрда 598789 реестр рақами билан рўйхатга олинган Насиров Дониёр Талибович яқка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Насиров Д.Т. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 10 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Наврўз кўчаси, 1-йўлак, 6-уй. Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 581262538.

«Жомбойкино» давлат унитар корхонаси «Республика кинопрокат маркази» давлат унитар корхонаси Самарқанд вилоят филиалига қўшилмоқда. «Республика кинопрокат маркази» давлат унитар корхонаси Самарқанд вилоят филиали «Жомбойкино» давлат унитар корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 85-уй. ***

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Туйчиева Туйғунной Асоровнага (2020 йил 16 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

юқори малакали профессор-ўқитувчиларни куйдаги кафедралардаги бўш (вакант) лавозимларга танлов асосида ишга таклиф этади:

- 1. Рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари кафедрасига - доцент (молия) 1 ўрин;
2. Рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари кафедрасига - катта ўқитувчи (ахборот коммуникацион технологиялар) 1 ўрин;
3. Рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари кафедрасига - ассистент (статистика) 1 ўрин;
4. Рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари кафедрасига - ассистент (аудит) 1 ўрин;
5. Табиий, ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият кафедрасига - доцент (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш) 1 ўрин;
6. Табиий, ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият кафедрасига - катта ўқитувчи (фалсафа) 1 ўрин;
7. Тиллар кафедрасига - катта ўқитувчи (инглиз тили) 1 ўрин;
8. Тиллар кафедрасига - ўқитувчи (инглиз тили) 1 ўрин;
9. Тиллар кафедрасига ўқитувчи (немис тили) 1 ўрин;
10. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти кафедрасига - катта ўқитувчи (иқтисодиёт) 1 ўрин;
11. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти кафедрасига - ассистент (менежмент) 1 ўрин.
Талабгорлардан аризалар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.
Номзодларнинг илмий даража ва унвонга эга бўлиши, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини яхши ўзлаштирганлиги ҳамда чет тилини билиш даражаси юқори бўлиши танловда устунлик беради.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар батафсил маълумот олишлари учун университет филиалининг ходимлар бўлимига мурожаат этишлари мумкин. Манзил: Самарқанд шаҳри Профессорлар кўчаси, 51-уй. Телефон: 97-392-77-10.

ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.



Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи Сарой кўчаси. ***

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Талибжонович нотариал идорасида марҳум Жабборов Абдурахмонга (2020 йил 31 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Талибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи. ***

Ургут туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Нажмиддинов Камол Нуриддиновичга (2018 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ургут туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси. ***

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Хидиров Абдуғаппар Ниятовичга (2020 йил 30 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортықбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй. ***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Хайдаров Умарга (2015 йил 28 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 17-уй. ***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Джуракулова Меҳрига (2020 йил 16 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 17-уй. ***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахриев Улугбек Насриддинович нотариал идорасида марҳум Ямонкулова Каромат Ялкиновнага (2013

йил 22 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахриев Улугбек Насриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Кимёгарлар кўрғони, Умид кўчаси, 2-уй. ***

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Абликеев Аскар Исламовичга (2018 йил 22 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси. ***

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалидан Абликеев Аскар Исламовичга қарашли Ургут шаҳри Халқобод кўчаси, 7-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси. ***

Ургут қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежидан 2017 йилда Зайниев Бобур Аслиддин ўғли номига берилган рўйхат рақами 179, К № 4701234 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар собик Сиеб туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Хайдаров Акмал Мунинович номига берилган О'Р-З № 1300959 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 118-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Саидов Улфат Ҳаким ўғли номига берилган О'Р-SH № 0835156 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Самиев Сирожиддин Оруз ўғли номига берилган UM № 0544669 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшработ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Файзуллаев Шахзод Анвар ўғли номига берилган UM № 0145266 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Гасанова Лейла Олеговна номига берилган UM № 0151357 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги

Барно САМИЕВА

Бешафқат ўлим филология фанлари номзоди, доцент, меҳрибон она, фидойи аёл Барно Самиевани орамиздан олиб кетди.



Б.Самиева 1953 йилда Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилди. 1975 йилда Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлагач, иш фаолиятини ўзи таҳсил олган олий таълим даргоҳида, ўқитувчи, аспирантликдан бошлади. Барно Самиева ўша кезларийёқ мақсади сари интилиб, тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги билан устозлари эътиборига тушди.

У Самарқанд давлат университетининг ҳозирги замон ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, доцент лавозимларида фаолият кўрсатди. Дарс жараёнлари, илмий иш билан бир қаторда жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашди. Қўп ўтмай вилоят ҳокимлиги девонининг хотин-қизлар сектори мудираси лавозимига тайинланди. Боғишамол тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб ишлади. 1999 йилдан 2003 йилга қадар Самарқанд вилоят ҳокимининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий

ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида фаолият юритди.

Ушбу лавозимларда ишлаш давомида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш, бандлигига кўмаклашиш, оилаларни яраштириш йўлида самарали фаолият кўрсатди. Ҳар бир оиланинг ташвишини ўз дарди деб билди.

Турмуш ўртоғи, олим, физика ва математика фанлари номзоди Мўмин Маликов билан тотувликда уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.

Меҳрибон дўст, фидойи аёл, қалбидарё устоз Барно Самиеванинг хотираси қалбимизда абадий қолади.

ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ.

аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «DJASUR JAHON NUR» хусусий корхонасига (СТИР: 304207505) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2016 йил 22 августда 1801101588 рақам билан рўйхатга олинган завод рақами 625182 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 2018 йилда Бекбўтаев Сардор Салайдин ўғли номига берилган U № 8377345 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги "ENERGY GAZ OIL SERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 302362704) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Эгамбердиев Алишер Хакбердиевичга қарашли Самарқанд шаҳри «Янги бозор» ҳудудида жойлашган 500-савдо дўкони учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2015 йилда Эгамбердиев Алишер Хакбердиевичга қарашли Самарқанд шаҳри Галаосиё маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси жамоаси музей-қўриқхона таркибидаги Амир Темур мақбараси директори Амрулло Абдуллоевга турмуш ўртоғи Гўлбаҳор МАҲМУДОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ОЛИБСОТАРЛИК касб эмасми?



Албатта тўғри англадингиз, гап бозорларда шу хизмат билан шуғулланувчилар ҳақида бормоқда. Эсимни танигандан бери бу «касб» эгалари тўғрисида илиқ гап эшитмаганман. Лекин улар бундай гап-сўзларга парво қилишмайди, савдосини давом эттираверишади. Чунки шунинг орқасидан рўзгорини бутлайди, тирикчилик қилади. Очиги, бу тоифа кишилар орасида жуда бойиб кетганини ҳам кўрмаганман.

Уларнинг бири билан суҳбатлашиб, даромадини сўрадим. «Сиз ҳам айримлар каби бизни юлғич деб ўйлайсиз шекилли», деб хафа бўлди. Сўнг бир кунлик даромадини ҳисоблаб берди.

Айтилик, эрталаб соат бешда келиб, деҳқон билан келишаман. Ўйламанг, ҳозирги деҳқон ҳам анойи эмас, молини арзон гаровга бермайди. Йиллар давомида шакланган одат: унга нақд пул керак, кун бўйи бозорда ўтиришга вақти йўқ. 200 килограмм сабзини минг сўмдан гаплашаман. Уни аввал катта-кичик турга ажратаман, бир қисмини сувда ювиб оламан, кўриниши чиройли бўлсин дейман-да. Беш килоси лаборатория, еб кўрувчи ва яна шунақа доналаб терувчи кетади. Камида 20 килоси тушдан кейин минг сўмдан сотилади. 15 минг сўми бу? Хўш, қолганини 1500 сўмдан сотаман, даромад – 277 минг 500 сўм бўлади. Чипта пули ва тарози пулини кўшинг. Шундан қолган фойдаси битта мардикорнинг даромадига баравар, тўғрими? Харажат қилмайин, деб ошхонадан овқат емайман, уйдан бирор нарса олиб келаман. Агар тўй ёки маърака қилувчилар

келмаса, кеч 5-6 ларгача сотаман. Саратоннинг иссиғи, қишнинг совуқ кунларида тик оёқда туришни ҳам ҳисобга олинг. Ҳамма ҳам удалай олмайди буни.

Дарҳақиқат, хорижда ҳам кўп бор гувоҳ бўлганман: гуруч етиштирган, балиқ ушлаган тадбиркор бозорда ўтирмайди. Бу маҳсулотни сотувчилар эса доимо уларни саралаш, қайта ишлаш, харидорга турли кўринишда етказиб бериш билан шуғулланади. Улар шуни касб қилиб олишган.

Пахтачидаги Ёбу қишлоғида 200 дан ортқ киши йил бўйи помидор, бодринг, лимон етиштиради, лекин бирортаси бозорда ўтириб савдо қилмайди. Мижозлар маҳсулотни уйдан олиб кетишади. Шунинг учун айримларнинг «бозордаги нарх-навони олибсатар қимматлаштирипти» деган иддосига қўшилмайман. Нима, супермаркетлар гўшти қимматлаштирмаётими? Маҳаллаларда арава ва машинада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб юрганлар ҳам деҳқон эмас.

Бир ўйлаб кўринг, тайёрлов идораси, биржалар, риэлторлар фаолияти олибсатарлик эмасми? Нега биз деҳқон бозорла-

рида бу касбни расмийлаштирмаймиз. Ёки супермаркет, дўконлардаги мева-чеваларни қайси деҳқон сотаяпти?

Деҳқонга манфаат керак, пул керак. У маҳсулотини ўз вақтида, керак бўлса, пайкалдан сота билсин. Бунинг учун тайёрлов идоралари, қайта ишловчилар, логистика билан шуғулланадиганлар тўғридан-тўғри деҳқон билан ишласин. Олибсатарларга ҳам шундай шароит яратиш ва масъулият юклаш керакки, улар маҳсулотни пайкалдан саралаб олиб келсин, етиштирувчи билан дарҳол ҳисоб-китоб қилсин. Экспортчиларга ҳам шундай талаб қўйилса бўлади. Ушанда «ихтиёрий-мажбурий» ярмаркаларга ўрин қолмайди.

Бозорда савдо қилувчилар (эсланг, Буюк Ипак йўлида ҳам улар асосий вазифани бажаришган) аввало маданият ва муомала-ни ўрганишга, товар кўринишини яхшилашни, аҳоли талаб ва эҳтиёжини ўрганишга мажбур. Уларга иддао қилганимизнинг фойдаси йўқ. Яхшиси, улар фаолиятини қонунлаштириб берайлик.



Фармон ТОШЕВ.

Очигини айтадиган бўлсак, эндигина «тили чиққан» болаларимиз икки жумлани бир-бирига қўшиб гапира олмаса ҳам, аввало, қўлига тушган энг замонавий телефон апаратини «гапиртиради». Авваллари ҳайратланардик, бугун эса оддий ҳолга айланиб қолди. Чунки бугун дунёга келаётган фарзандларимиз технология ривожини билан бирга ўсиб, улғаймоқда.

Ўқувчига таълим беришда замонавий технологияларнинг аҳамияти катта

Бундан фожиа ясашга шоям йўқ. Бунда меъёр, назорат масаласида озгина бош қотириб, фойдали машғулота йўналтиришга ҳаракат қилсак, кифоя.

Мактабда бошланғич синфларга дарс берилган. Дарс машғулоти, фанларни ўқитишда аксарият мавзулар мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга тушунтиришга мўлжалланган. Албатта, биз, муаллимлар мактабда яратилган қулай шароитлардан келиб чиқиб, ушбу мавзуларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда болаларга ўргатишга ҳаракат қиламиз. Бу ўқувчининг назарий маълумотни шунчаки ёдлаб олишидан ташқари, тушуниб, ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини теран англашига ёрдам беради.

Шу билан бирга бугун фарзандларимизнинг мактабдан ташқари уйда, ота-она назорати остида мустақил билим олиши мумкин бўлган электрон порталлар ҳам талайгина. Масалан, Халқ таълими вазирлигининг «eduportal.uz» тармоғида барча синф ўқувчилари учун электрон дарсликлар, таълимий ўйинлар, эртақ ва ҳикоялар, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, хуллас, жуда кўп фойдали маълумотлар жойлаштирилган. «ZiyoNET»



ахборот таълим тармоғида тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин. Жумладан, audio.ziyo.net.uz, kitob.uz, ertak.uz, ertaklar.uz, lang.uz сайтлари ўқувчиларнинг дарсдан сўнг мустақил ўқиби, ўрганиши учун жуда муҳим. Бунда фақат ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорликда ишлашлари лозим. Ушбу ҳамкорлик сифатли таълим-тарбияни ташкил этиши билан бирга замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятли ёш кадрларни вояга етказишимизга хизмат қилади.

Шоира ШУКУРОВА,
Каттақўрғон туманидаги
50-умумий ўрта таълим мактаби
ўқитувчиси.

«АГРОБАНК»

акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилоят бошқармаси юртдошларимизга қуйидаги

БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР:

Электр энергияси;
Табий газ;
Ичимлик суви ва сувоқова;
Иссиқ сув;
ХУЖМШ тўловлари;
Махсус транс (чиқинди)

МОБИЛЬ ТЎЛОВЛАР:

Beeline
Uzmobile GSM
Perfectum
Platinum Mobile
Mobiuz
Ucell
UMS

БЮДЖЕТ ТЎЛОВЛАРИ:

Нотариус хизматлари учун
МИБ
Паспорт олиш учун
ФХДЁ органига
Е-аукцион
Божхона
Бюджет тўловлари
Мактабгача таълим
Кадастр хизматлари

БАНК ПЛАСТИК КАРТАЛАРИ:

ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ:

ОМОНАТЛАР:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

"Бахтли болалик" жамғарма омонати. Омонатга маблағлар 36 ойдан 120 ойгача муддатларга қабул қилиниб, фойзалар қайта молиялаштириш ставкасида тўланади;
"Фаровон" мuddатли омонати. Омонатга маблағлар 3 ойдан 25 ойгача муддатларга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради;
"Мезон" жамғарма омонати. Омонатга маблағлар 3 ойдан 13 ойгача муддатларга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради;
"Эркин" жамғарма омонати. Омонатга маблағлар 13 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради;
"Имконият" мuddатли омонати. Омонатга маблағлар 1 ойдан 36 ойгача муддатларга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради;
"Олдиндан фоиз" мuddатли омонати. Омонатга маблағлар 12 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 17 фоиз даромад келтиради.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

"Capital" мuddатли омонати (АҚШ долларида). Омонатга маблағлар 3 ойдан 13 ойгача муддатларга қабул қилиниб, йиллик 3,5 фоиздан 5 фоизгача даромад келтиради;
"Express" жамғарма омонати (АҚШ долларида). Омонатга маблағлар 3 ойдан 18 ойгача муддатларга қабул қилиниб, йиллик 3 фоиздан 4,5 фоизгача даромад келтиради.

КРЕДИТЛАР:

"ОНЛАЙН МИКРОҚАРЗ". Кредит 23 фоиз ставкада бир йил муддатга берилади.

"КРЕДИТ КАРТА". Кредит 23 фоиз ставкада икки йил муддатга берилади.

Хизматлар лицензияланган.